

## Таъзия



16:19 / 10 февраль 1108

Юртимизнинг пешқадам уламоларидан бири, **Рустамжон домла Раҳматуллоҳзоданинг** вафот этганлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор этамиз.

Устоз Рустамжон домла фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг сафдоши, бош котиблари, узоқ йиллар дин хизматида бирга қоим бўлган қадрдонлари эдилар. Рустамжон домла Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарини таржима ва шарҳ қилганлар. Бу китоб асосида «Ҳилол нашр» нашриётида китобхонлар учун суюкли бўлиб улгурган туркум суҳбатлар ўтказиб келаётган эдилар.

Аллоҳ таоло бу устознинг динимизнинг ривожини, Ватанимизнинг равнақини йўлида қилган хизматларини ҳусни қабул қилсин, барча солиҳ амалларини садақаи жория ўлароқ мақбул айласин, жаннати Фирдавсдан жой ато

қилсин, Ўзининг шомил мағфиратига, бениҳоя раҳматига олсин. Чеккан дардларини хато камчиликларига каффорот ва мартабаларини юскалишига сабаб қилсин.

Ушбу мусибат дамларида устознинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик билан қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз, ҳақларига дуо қилиб, самимий ҳамдардлик билдирамиз.

Аллоҳ таоло устоз Рустамжон домламизнинг барча сафдошлари, шогирдлари, оила аъзолари ва яқинларига сабри жамил ато этсин, сабрларига муносиб ажру мукофотлар берсин!

**Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!**

**«Барчамиз Аллоҳникимиз ва барчамиз У Зотга қайтамиз».**

**«Hilol Nashr» нашриёт-матбааси ва Islom.uz портали жамоаси**

*Жаноза намози эртага, 11 февраль куни пешин намозидан сўнг*

*«Шайх Зайниддин» (Кўкча) жомеъ масжидида ўқилади.*

Устоз Рустамжон домла Раҳматуллоҳзода ҳақида [маълумот](#)